

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши қурашиш
қўмитасининг 2020 йил
07 майдаги №371/02-11-сонли
хатига илова

**Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича
ХУЛОСА №_____**

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ташаббускорлик асосида ишлаб чиқилган.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 57, 59, 61-йлар манзилида жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш марказ”нинг “Савдо ва майший хизмат кўрсатиш мажмуаси” негизида қолдиқ баланс қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги муассислигига “Malika savdo markazi” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиш ва жамиятдаги давлат улушини “Premium prime service” МЧЖга тўғридан-тўғри ишончли бошқаришга бериш тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – “Premium prime service” масъулияти чекланган жамияти;

давлат органлари гурухи – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги;

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг:

1-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 57, 59, 61-йлар манзилида жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш

марказ”нинг “Савдо ва майший хизмат кўрсатиш мажмуаси” (кейинги ўринларда –Объект) негизида **қолдиқ баланс қиймати** бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги муассислигига “Malika savdo markazi” масъулияти чекланган жамиятини (кейинги ўринларда – Жамият) ташкил этиш ва **жамиятдаги давлат улушини “Premium prime service” МЧЖга** (кейинги ўринларда – Ишончли бошқарувчи) **ишончли бошқаришга бериш** тўғрисидаги таклифига розилик берилмоқда;

2-бандида Ишончли бошқарувчи томонидан дастлабки беш йил давомида қурилиш ва реконструкция ишлари учун 40,0 млрд сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш, савдо маркази худудидаги 4 қаватли эски бинода реконструкция ва капитал қурилиш ишларини амалга ошириб, замонавий савдо мажмуасини барпо этиш, худудда таъмирлаш ишларини амалга ошириш, аҳоли учун савдо шароитларини яхшилаш ва жамиятнинг ўзида 50 та янги иш ўринларини ташкил этиш, ишга тушириладиган ва тадбиркорларга бериладиган савдо шахобчаларида камида 200 та иш ўринлари учун шароит яратиш таклифлари билдирилганлиги маълумот учун қабул қилинган;

3-бандида Ишончли бошқарувчи томонидан ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома талабларига тўлиқ риоя этган тақдирда, **шартноманинг муддати 10 йилгача узайтириб борилиши**, Ишончли бошқарувчи учун тўланадиган ҳақ миқдори Жамиятнинг йил яқунлари бўйича ҳисобланадиган дивиденд ҳисобидан тўланиши, Ишончли бошқарувчи томонидан жалб қилинган инвестициялар аудиторлик ва баҳоловчи ташкилотларининг ҳисботига асосан Жамиятнинг соғ фойдасидан қайтарилиши кўрсатилган;

4-бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги жамият ташкил этилгандан сўнг, бир ой муддатда **Ишончли бошқарувчи билан мазкур қарорда кўрсатилган шартлар асосида ишончли бошқарув тўғрисидаги шартномани тузилишини**, шартнома шартларига мувофиқ инвестиция мажбуриятларини бажарилишини мониторингини юритилишини, ишончли бошқарув тўғрисидаги **шартнома амал қилиш муддати мазкур қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошисида белгиланган тартибда тугатилгандан сўнг уни узайтириш ёки Жамиятни самарали бошқариш бўйича зарур чоралар кўрилишини таъминлаши белгиланган.**

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни **12-моддаси талабларига асосан** давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузишда устунлик бериш, айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши, айrim хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши **тақиқланади.**

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисидаги низомга асосан давлат активлари (акциялар ёки улушлар) тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахсларга – инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга берилиши мумкинлиги, **ишончли бошқарувга бериш танлов асосида амалга оширилиши белгиланган**.

Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти” тўғрисидаги Қонунининг 11-моддасига асосан баҳолаш обьектларини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, **ишончли бошқарувга топшириш ёки ижарага бериш мақсадида уларнинг қиймати аниқланаётганда баҳолаш мажбурийлиги** кўрсатилган.

Шунга кўра, қарор лойиҳаси юқорида кўрсатилган қонунлар талабларига тўғридан-тўғри зид ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган “Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисида Низом”нинг 7-бандига асосан Ишончли бошқариш шартномаси уни узайтириш имконияти билан бирга **бир йил муддатга тузилиши** белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”да **иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш**, хусусий мулк ҳукуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқенини янада кучайтириш, **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш** кўрсатилган.

Ушбуларни инобатга олиб, обьектни стратегик аҳамиятга эга эмаслигини, фаолияти савдо хизмати эканлигини ҳамда бугунги кунга қадар хусусийлаштириш мақсадида оммавий савдоларга чиқарилмаганлигини инобатга олиб, уни **оммавий савдоларда сотиш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилади**.

V. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қарор лойиҳаси “Рақобат тўғрисида”ги ва “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда юқорида кўрсатилган қарорлар талабларига зид эканлигини инобатга олиб, лойиҳани қонун ҳужжатлари талабларига мослаштирган ҳолда ва тенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида обьектни оммавий савдолари орқали хусусийлаштириш масаласини киритгандан сўнг қабул қилиниши лозим ҳисобланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ**

**Давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланиш
бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Тошкент шаҳрида аҳолига савдо хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун зарур шароитларни ташкил этиш ҳамда давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 57, 59, 61-уйлар манзилида жойлашган

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципиал активларни бошқариш марказ”нинг “Савдо ва майший хизмат қўрсатиш мажмуаси” (кейинги ўринларда –Объект) негизида қолдиқ баланс қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги муассислигига “Malika savdo markazi” масъулияти чекланган жамиятини (кейинги ўринларда – Жамият) ташкил этиш ва жамиятдаги давлат улушини “Premium prime service” МЧЖга (кейинги ўринларда – Ишончли бошқарувчи) ишончли бошқаришга бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ишончли бошқарувчи томонидан куйидаги таклифлар билдирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

дастлабки беш йил давомида қурилиш ва реконструкция ишлари учун 40,0 млрд сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция киритиш;

савдо маркази ҳудудидаги 4 қаватли эски бинода реконструкция ва капитал қурилиш ишларини амалга ошириб, замонавий савдо мажмуасини барпо этиш, ҳудудда таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

аҳоли учун савдо шароитларини яхшилаш ва жамиятнинг ўзида 50 та янги иш ўринларини ташкил этиш, ишга тушириладиган ва тадбиркорларга бериладиган савдо шахобчаларида камида 200 та иш ўринлари учун шароит яратиш.

3. Белгилансинки:

Ишончли бошқарувчи томонидан ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома талабларига тўлиқ риоя этган тақдирда, шартноманинг муддати 10 йилгача узайтириб борилади;

Ишончли бошқарувчи учун тўланадиган ҳақ миқдори Жамиятнинг ийл якунлари бўйича ҳисобланадиган дивиденд ҳисобидан тўланади;

Ишончли бошқарувчи томонидан жалб қилинган инвестициялар аудиторлик ва баҳоловчи ташкилотларининг ҳисботига асосан Жамиятнинг соф фойдасидан қайтарилади;

ишончли бошқарув тўғрисидаги шартномага мувофиқ Объектни реконструкция қилиш режаси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Ишончли бошқарувчи томонидан ҳар чорақда ишончли бошқарув тўғрисидаги шартномага мувофиқ инвестиция ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ҳисбот бериб боради ҳамда улар тўлиқ бажарилгандан кейин тасдиқловчи хужжатлар билан аудиторлик ва баҳоловчи ташкилотларининг хулосасини тақдим этади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги:

Жамият ташкил этилгандан сўнг, бир ой муддатда Ишончли бошқарувчи билан мазкур қарорда кўрсатилган шартлар асосида ишончли бошқарув тўғрисидаги шартномани тузилишини;

шартнома шартларига мувофиқ инвестиция мажбуриятларини бажарилишини мониторингини юритилишини;

ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома амал қилиш муддати мазкур қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошисида белгиланган тартибда тутатилгандан сўнг уни узайтириш ёки Жамиятни самарали бошқариш бўйича зарур чоралар кўрилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х. Бекенов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артиходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов